

“Саидали эшон” жоме масжидини қуришга дастлабки ғишт қўйилди



06:20 / 04.07.2018 3387

Аввалроқ 2018 йилнинг 5 январида бўлиб ўтган Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз вилоятдаги таъмирга муҳтож ва авария ҳолатидаги масжидларни аниқлаб, уларни қайта қуриш ва таъмирлаш чораларини кўриш юзасидан кўрсатма берганликлари, шунга кўра 2018 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 120-сонли қарори қабул қилиниб, вилоятда жами 29 та жоме масжидларни 2018-2019 йиллар давомида қайта қурилиши белгилаб олинганлиги ҳақида хабар берилган эди.

Ана шу лойиҳа асосида 2018 йилнинг 30 июнь куни Тошкент вилоятидаги яна бир жоме масжидни қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, Бўка туманидаги “Саидали эшон” жоме масжидини қуришга дастлабки ғишт қўйиш маросими ўтказилди. Тадбирда Тошкент вилояти бош имом-хатиби Хайруллоҳ домла Турматов, Бўка тумани ҳокими Нўмон Избосаров ҳамда туман бош имом-хатиби иштирок этди. Тадбир анъанавий тарзда Қуръон тиловати билан бошланди.

Қайта қурилиши режалаштирилган масжид даставвал маҳалла намозхонаси сифатида иш юритган. 2000 йилда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг жоме масжиди сифатида ўз фаолиятини бошлаган.

Ҳозирги кунга келиб эски, таъмирталаб масжид ўрнида замонавий талабларга жавоб берувчи, намозхонларга ҳар томонлама қулай шароитларга эга бўлган масжид барпо этилиши лойиҳалаштирилган.

Ушбу лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, масжид 729-автомагистрал йўли ёнида қад ростлайди. Бу нафақат маҳаллий аҳоли, балки йўловчилар ва қўшни давлатлардан ташриф буюраётган меҳмонлар учун ҳам қулайликлар яратади. Тадбирда шу каби мулоҳазалар билдирилган экан, иштирокчилар дин равнақи, юрт келажаги, миллат манфаатларини кўзлаб қилинаётган ишлар халқимизга манзур бўлаётгани, бунинг учун Юртбошимиз ва барча мутасаддилардан миннатдор эканликларини изҳор этдилар. Шунингдек, маросимда эзгу тилаклар, хайрли дуолар ҳам қилинди.

Тошкент вилояти вакиллиги

матбуот хизмати